

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ


2018 йил январь-март ойларида чакана товар айланмаси 2291,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизга ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 204,4 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,9 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 89,2 фоизга камайиб, 373,7 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 16,3 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 1713,5 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 74,8 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–март ҳолатига фоизда)



2018 йилнинг январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади: нодавлат сектор мулки 2291,2 млрд.сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,98 фоизни ташкил қилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича
чакана товар айланмаси**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	------------------	--	--------------------------------------

Жами	2291,7	105,3	100
-------------	---------------	--------------	------------

шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:

давлат мулки	0,5	99,8	0,02
--------------	-----	------	------

нодавлат мулки	2291,2	105,2	99,98
----------------	--------	-------	-------

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-мартда 204,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 мартага ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1713,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 фоизга ўсган.

**2018 йилнинг январь–март ойларида чакана савдо
товар айланмаси таркиби**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	------------------	--	--------------------------------------

Жами	2291,7	105,3	100
-------------	---------------	--------------	------------

шу жумладан:

йирик корхоналар	204,4	161,2	8,9
------------------	-------	-------	-----

кичик тадбиркорлик	1821,0	102,2	79,5
--------------------	--------	-------	------

уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	266,3	99,7	11,6
---	-------	------	------

Чакана товар айланмаси
 2018 йилнинг январь–мартида
 (овқатланиш ташкилотларини қўшиган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	минг.сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Вилоятбўйича:	2291,7	105,3	759,8	103,6
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	687,2	108,8	1605,2	107,4
Хонобод	27,3	101,2	664,4	100,2
<i>туманлар:</i>				
Андижон	123,6	102,9	492,2	101,0
Асака	243,9	100,8	778,1	98,9
Балиқчи	129,5	100,0	673,5	98,4
Бўз	22,4	100,0	323,5	98,3
Булоқбоши	55,9	106,2	407,6	104,7
Жалақудуқ	78,3	104,9	437,4	103,5
Избоскан	89,8	101,6	394,8	99,8
Улуғнор	21,3	100,8	372,8	99,2
Мархамат	66,3	105,7	398,5	103,8
Олтинкўл	71,6	105,3	420,9	103,4
Пахтаобод	100,9	104,6	545,7	102,8
Хўжаобод	74,2	101,0	705,1	99,5
Шахрихон	288,4	109,9	1007,8	108,0
Қўрғонтепа	211,0	103,6	1017,5	101,9